

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 161 (9.964)

2003 ЙИЛ 18 АВГУСТ

**ПОЙТАХТНИНГ
 бир кунни**
 Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА
 сатрларда**

□ **БУГУН** Бектемир туманидаги «Сувчи» даҳасида яшовчи 250 нафар кам таъминланган оилалар аъзолари, ёлғиз қариялар учун энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 12 йиллиги муносабати билан хайрия концерти уюштирилди.

□ **РЕСПУБЛИКА** кўз касалликлари шифохонасига мураккаб кўз касалликларини даволаш мақсадида хориздан замонавий тиббий технологиялар келтирилди. Шифохонанинг бир гуруҳ шифокорлари эса Москва ва Екатеринбург шифохоналарида малака ошириб қайтишди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Урикзор» маҳалласида Республика «Оила» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ташаббуси билан маҳалла фаоллари иштирокida уюштирилган тадбир «Маънавият — оила таянчи» деб номланди.

□ **ШАЙХОҲОҲУР** туманидаги «1-Чарх Камолон» маҳалласида «Мустақиллик — ўзбек аёли тақдирida» мавзуда туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган тадбирда маҳаллаларнинг фаол аёллари иштирок эттишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Энг улуг, энг азиз шодиёнамаз — Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш, шаҳарда санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш, маҳаллалар, мавзелар ва аҳоли гавжум жойларда ободонлаштириш юмушларини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши эълон қилинган эди. Унга кўра август ойида «Маҳалла обод — Ватан обод» шиори остида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги қизгин давом этмоқда. 16 августда эса умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди.

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР




МАҲАЛЛА ОБОД — ВАТАН ОБОД

Шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида катта уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёшу қари, барча ҳамшаҳарларимиз бир жон бир тан бўлиб иштирок этдилар.

Маълумки, миллий қадриятларимиздан бири саналмиш ҳашарларда азал-азалдан катта ва хайрли юмушлар амалга оширилган. Жумладан бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида ҳам корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ҳамшаҳарларимиз пойтахтнинг саранжом саришта, озода ва кўкаламзор, гулзор шаҳарга айланшига озми-кўпми ўз хиссаларини қўшдилар.

Шу кунни шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилган бир кунлик иш ҳақи эса маҳаллаларни янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт турларини кенг ёйиш каби мақсадларга сарф этилади.

(Давоми 2-бетда).



XVI сағоси

Барча маилбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 15 август кунни Кирғизистон Республикаси Бош вазирни Николай Танаев раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
- Андижон ва Фарғона вилоятларида фермер ва ширкат ҳўжаликлари, уюшма, компания, банк ва концернлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирокida Юртбошимизнинг «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган масалаларнинг ечимига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди.
- Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида мазкур мамлакатнинг Мустақиллик кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.
- Тошкент вилоят ҳокимлигида Наркотик моддаларни назорат қилиш минатакавий комиссиясининг ййгилиши ўтказилди.
- Эллиқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳридаги Ешлар хiebонида «Устозларга эҳтиром» деб номланган ёдгорлик очилди.
- «Каршитермопласт» корхонасида полиэтилендан газ қувурларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу билан корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулот турлари 50 хилдан ошди.
- «Соғлом авлуд учун» халқаро хайрия жамғармасининг «Оила» соғломлаштириш марказида кундузги болалар стaцияларини очилди. Унда кам таъминланган оилаларнинг 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари тиббий текширувдан ўтказилмоқда.

Жаҳонда

- Озарбайжонда Президент сайловларига тайёргарлик бошланди. Номзодлар рўйхатида 12 киши бўлиб, улар орасида ҳозирги Президент Ҳайдар Алиев ва унинг ўғли — мамлакат Бош вазир Илҳом Алиев ҳам бор. Сайловлар 15 октябрда бўлиб ўтади.
- 30 соатлик электр қуввати узилиб қолганидан сўнг Нью-Йоркдаги ҳаёт яна ўзининг изига тушди. Ҳозирда АҚШ ва Канада электр қуввати тўсатдан узилиб қолишининг сабабларини аниқлаш мақсадида махсус комиссия тузган.
- Пентагон Либерияга тинчлик кучларини жўнатди. АҚШ армиясининг мамлакат пойтахти Монровига келган 200 нафар денгиз пйёвдаси Фарбий Африка давлатлари иктисодиёти уюшмаси раҳбарлигида Либерияда фаолият кўрсатётган Нигерия тинчлик контингенти билан ҳамкорликда хизматини давом эттирди.
- Хитой суди болаларни ўғирлаш ва сотиш билан шугулланган жиноятчилар устидан ҳўкм чиқарди. Гуруҳ аъзолари уч йилдан умрбод қамок жазосигача бўлган муддатга ҳўкм эттилди.
- Москва вилоятидаги Жуковский шаҳрида «Макс-2003» 6-халқаро авиакосмик саломи ўз ишини бошлади.

(ЎЗА).

КУЗГИ-ҚИШКИ ИСИТИШ МАВСУМИ — ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Вазирлар Маҳкамасида 2003-2004 йилнинг кузги-қишки мавсумига тайёргарлик ҳамда иктисодиёт тармоқлари ва аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш масаласига бағишланган ййгилиш бўлиб ўтди.

Ййгилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, соҳа бўйича вазирлик, идоралар, корхоналар вакиллари ва мухтассаслар иштирок этди.

Маълумки, жорий йилнинг 17 июнида Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иктисодиёти тармоқларини 2003-2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарорни қабул қилинган эди. Қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда вазирлик ва корхоналар томонидан тегишли чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Жойларда ҳудудий комиссиялар тузилди. Шаҳару туманларда ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жойлар, транспорт, савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш шохчалари, қурилиш ташкилотларида иситиш қозонлари ва муҳандислик иншоотларини 2003-2004 йилнинг кузги-қишки мавсумига пухта тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: жорий йилнинг 1 августигача республика бўйича 1991 йилгача қурилган 906 турар-жой фонди, 394 иситиш қозони, 292 километр иссиқ-

лик тармоғи, 551 мактаб, 278 болалар боғчаси, 76 касалхона ва 59 поликлиника капитал таъмирланди.

Ййгилишда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиги тармоқларидаги муассасалар иситиш тизимининг кузги-қишки мавсумда соз ишлашини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳомада қилинди.


Сўзга чиққанлар бу борада қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоқларида 37 иситиш қозони таъмирланган. 33,9 километр иссиқлик тармоғини таъмирлаш кўзда тутилган бўлса, шундан 22,9 километр тугалланган.

Халқ таълими тизимида 343 умумтаълим мактаби, 186 болалар боғчаси, 179 иситиш қозони, 11427 печь, 94,4 минг

пагонометр ички ва сиртки иссиқлик тармоғи капитал таъмирланган.

Кузги-қишки мавсумда исстеъмолчиларни белгиланган лимитлар миқдоридан газ билан таъминлаш мақсадида «Узтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан моддий, техник ва ижтимоий ресурслар сафарбар қилинмоқда. Бугунги кунга келиб газ узатувчи компрессор станциялардан 34 тасида капитал, 23 тасида жорий таъмир амалга оширилди.

Ййгилишда, шунингдек, 1991 йилгача қурилган турар-жой фондини капитал таъмирлаш ҳамда мазут, кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда муаммолар мавжудлиги таъкидланди ва уларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Афғонистонда хавфсизликни таъминлаш амалиётлари Шимолий альянс кўмондонлиги остига ўтди. Шу муносабат билан Қобулда расмий маросим ўтказилди. Бу НАТОнинг 1954 йилдан буён Европада ташқарида биринчи амалиёти бўлди. Аини пайтда Афғонистондаги тинчликларвар кучлар сони 5 минг кишини ташкил қилади.

◆ «Курск» сув ости кемаси ҳалокатидан сўнг 3 йил ўтиб, марҳум денгизчиларнинг оила аъзолари фожеа сабаблари бўйича янги текширув ўтказилишини талаб этмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Россия флотигадаги энг катта фожеа деб аталаётган «Курск» кемаси 2000 йил 12 август куни юз берган ва бортидаги 118 нафар ҳарбий денгизчиларнинг барчаси ҳалок бўлган эдилар. BBC Newsнинг хабар беришича, ушбу ҳафтада 40 нафарга яқин марҳум денгизчиларнинг яқинлари қайта текширув ўтказилишини сўраб, прокуратурага мурожаат этганлар. Негаки, уларнинг наздида ҳақиқий ҳолат жамоатчиликдан сир тutilмоқда.

◆ Ариель Шароннинг хавфсизлик хизмати вакиллари Исроил Бош вазирга суиқасд уюштирмакчи бўлган яхудиини ҳибсга олди. Иордан дарёсининг гарбий киргоғидаги Хеврон шахрига кўчиб келиб яшаётган 22 ёшли киши ўртоғи билан ҳукуматга қарши ташкил этилаётган намойишда қатнашишга чақирувчи варақалар тарқатаётганида қўриқчилар томонидан қўлга олинди.

◆ «На aretz» газетасининг хабар беришига қараганда, Исроил ҳукумати АҚШ ва БМТ маъмурияти орқали «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи ўз хатти-ҳаракатларига чек қўймас экан, Суриянинг Ливан ҳудудидаги объектларига ҳужум қилишини билдирди. Исроилнинг Шломи шахрида юз берган қуроли тўқнашув интихосида Исроил томони ана шундай қарорга келди. «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи маъмур ҳаракатнинг ташкилотчиси эканлигини тан олган ва бундан маъсад Байрут шахрида автомобил портлаши оқибатида нобуд бўлган Али Ҳусайн учун ўчи олиш эканини маълум қилди.

◆ Европа комиссияси компьютерлар учун дастурлар ишлаб чиқарувчи дунёда энг йирик «Майкрософт» компаниясини носоғлом рақобатда айблаб унга қатъий талаб қўйди. Гап шундаки «Майкрософт» ўзининг «Windows» дастурига видео ва аудио файлларини ўқиш имкониятига эга бўлган видео-плеерни киритган. Бу эса бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини чеклаб қўймоқда. Шунинг учун ЕК компанияга зарур чоралар қўришни тақлиф қилаётир.

◆ Жанубий Кореянинг SK Telekom уяли компанияси ўз мижозларига қўтилмаган бир хизмат турини тақдим этди. Эндиликда ушбу компания мижозлари пашшалардан қўрқимас ҳақ бўлади. Чунки уларнинг уяли телефонларидан чиқаётган овозга ҳеч бир пашша дош беролмайди. Овоз тўлкини одамга эшитилмайди, бироқ пашшаларни одамдан бир метр масофада ушлашга қодир. Янги хизмат тури учун 2,5 доллар тўлаш керак бўлади.

МАҲАЛЛА ОБОД — ВАТАН ОБОД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳамшаҳарларимиз энг улуғ байрамимизни наинки шаҳримизни озода ва покизатланган ҳолда, балки қалбларимизни ҳам поклаб, яхши ният, улуғ мақсадлар билан кутиб олишга аҳд қилганлар. Шаҳримизнинг ўн битта туманида уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари ҳам ана шундай эзгу ният остида бўлиб ўтди.

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ: Умумхалқ ҳашарида Акмал Икромов туманининг 30 мингга яқин аҳолиси ҳам фаол қатнашди. Хайрия тadbиринида иштирок этганлар орасида хорижлик фуқароларнинг ҳам борлиги айниқса эътиборга лойиқ бўлди.

— Ўзбекистонда инсонларни олиханоб ишларга етакловчи ананалар мавжудлиги мени жуда ҳайратлантиради, — дейди «Шайхонтохур-текстиль» қўшма корхонасининг чет эл ҳамкори Фуат Эм. — Ўзбек халқининг улуғ айёми олди-дан барча қатори бизнинг корхона ишчи ва хизматчилари ҳам бирлашиб, шаҳар кўча ва маззелари ободонлигига ўз хиссаларини қўшаётганидан беҳад хурсандман.

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳашарда иштирок этган барча корхона, ташкилот ва муассасалардан туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига 30 миллион сўмга яқин маблағ тушиши кутилмоқда. Бу дегани тумандаги ҳар бир маҳалла ўртача 600 минг сўм маблағ билан таъминланиши ҳисобига ўз моддий-техника негизини янада мустаҳкамлашга эришади.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ: Мустақиллик байрами олди-дан уюштирилган умумхалқ ҳашарида 12,5 мингдан зиёд Бектемир тумани аҳолиси иштирок этди. Шу куни ҳар бир маҳалла, кўп қаватли турар-жой маззеларининг ички ва ташқи ҳудудлари тозаланди, 20 минг метр узунликдаги сув йўллари обод қилинди. Хайрли ишда энг фаол қатнашган «Миришкор», «Бектемир» маҳаллалари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари туман ҳокимлиги томонидан алоҳида эътироф этилди. Кунни кеча «Астрообод» мажмуасида фойдаланишга топширилган шифона атрофида мазкур муассаса ходимлари кучи билан бир йиллик гул кўчатлари экилиб, мўъжазгина дам олиш маскани барпо этилди. Туман ҳудудида жойлашган «Ирғидромаш», «Суваш», «Сувасобоз» каби йирик корхоналарда ишлаб чиқариш жараёни билан бирга атроф ҳудудини тозалаш, корхоналарга тегишли ётоқхоналар ташқи куринишини таъмирлаш, ирригация тармоқларини йўлга қўйиш ишлари олиб борилди.

МИРОБОД ТУМАНИ: 8 та ҳудудга бўлинган туманда 70 мингдан зиёд ёш қари белгиланган режа асосида кўчаларни орасталаш, ариқларни тозалаш, болалар спорт майдончаларини тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш ва оқлаш, гулларнинг талтини юмшатиш ва бошқа ободонлаштириш юмушларини бажаришди. Тўплаган чиқиндилар эса ҳар бир кўчага бириктирилган махсус автомашиналарда олиб кетилди. Ҳашарда 1,5 мингдан зиёд йирик, ўрта ва кичик корхоналар, 40 та маҳалла аҳолиси, олий ўқув юрталари, лицей ва коллеж талабалари, мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишиб, ўз ҳудудларида ҳамжихатликда иш юритишди. Байрам шодёнлари кенг нишонланадиган Навоий театри ёнидаги майдон, Фурқат номидаги маданият ва истирохат боғи, «Темирйўлчилар» маданият саройи ёнидаги хиёбон, Фарғона йўли, Сарикўл, Олимбоев ва бошқа катта кўчалар ўзгача фойз очди. Барча юмушларда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими, маҳаллаларнинг фаоллари бош-қош бўлишди, ибрат кўрсатишди.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: Ҳашарда тумандаги барча саноат корхоналари, ташкилотлар, тиббиёт муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, мактаблар ва маҳаллалар ахли — жами 174 минг киши фаол қатнашди. Шу куни 50 мингдан зиёд погон метр ариқлар ва ирригация тармоқлари чиқиндилардан тозаланди, 20247 та дарахтлар оқланди, 126,15 гектар майдон ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланди. 353,2 тонна чиқинди шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ: Тумандаги Мойкўрғон маззеларида барпо этилаётган банк коллежи янги йўлга фойдаланишга топширишга тайёр бўлди. Ушбу ўқув юртининг 1200 нафар талабалари ўз устозлари билан умумхалқ ҳашари кунини қўрувчиларга коллеж ҳудудида олиб борилаётган сўнгги ободончилик ишларида кўмаклашиб, шунингдек, синф хоналарини жиҳозлашда фаол қатнашди. Бундан ташқари, тумanning Эски шаҳар қисми аҳолиси ҳамда Зарқайнар ва Сағбон кўчаларида жойлашган савдо ва маийш хизмат кўрсатиш корхоналари аини пайтда ноёб китоблар музейи қурилиши олиб борилаётган «Хастимов» ёдгорлик мажмуаси олди ҳудудини ободонлаштиришда фаол қатнашди.

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ: Тумандаги 48 та маҳалланинг ўзидан 36000 минг нафар фуқаро бир ёқадан бош чиқариб, астойдил иштирок этган ҳашарда теварак-атроф, кўча ва йўллар тозаланиб, суғуриб-сидирилиб катта ҳажмдаги ободончилик юмушлари адо этилди. Хусусан, 9565 та дарахтга шакл берилди, 14125 таси эса оқланди, 57370 погон метр ариқ-зовурлар тозаланди, 8718 гектар қаровсиз майдонлар тартибга солинди. 3192 та уйлар атрофи ораста, саранжом-саришта ҳолга келтирилди, 382 тонна йиғилган чиқиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди.

ҲАМЗА ТУМАНИ: Ҳамзаликлар «Ҳашар — барчага ярашар» нақлини дилларига жо қилган ҳолда шанбаликда уюшқоқликни кўдан беришмади.

Истиқлол тантанасини муносиб кутиб олиш иштиёқида бўлган 80 мингдан зиёд ҳашарчиларнинг барчасига юмша топилди. Тумандаги 50 та маҳалла, 34 та уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари ўз ҳудудларини тозалашга, орасталашга алоҳида эътибор қаратишди. Туманда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар томонидан ажратилган 40 тадан ортиқ автомашиналар кесилган шох-шабба, йиғилган чиқиндиларни олиб кетишда ҳашарчиларга ҳақиқий мададкор бўлди. Тумандаги ҳар бир кўчага маъсуллар бириктирилиб, улар ҳашарнинг уюшқоқлик билан ўтишида жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, Ҳамза қурилиш коллежи Шолохов, Авиация коллежи Оҳангарон, Темирйўлчилар коллежи Лисунов кўчаларида улар ўзларига топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этишди.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ: Ободончилик ва тозалик ойлиги доирасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 20 мингга яқин Чилонзор тумани аҳолиси иштирок этди. — Ҳашар кунни катта ҳажмда ободонлаштириш ва санитария тозалаш ишлари олиб борилди, — деди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиги Ҳамза Холмуродов. — Жумладан, 25 мингдан кўп манзарали дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Шу билан бирга туман ҳудудидан ўтаётган Кичик халқа йўлининг икки томонида 150 дан зиёд игна баргли дарахтлар, марказий кўчаларда уй мингта бир йиллик гул кўчатлари экилди. Шох-шаббаларни ва чиқиндиларни олиб кетишда туман ҳудудида жойлашган автотранспорт корхоналари ҳамда «Махсустрас»нинг хизмати салмоқли бўлди. Ҳашар баҳонасида туманимиз байрам тантаналарига яхши хозирлик кўрди деб ўйлайман.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ: Тумандаги 94 мингдан ортиқ аҳоли ҳамжихатлик билан иштирок этган хайрия ҳашарида 50 та маҳалла, корхона, ташкилот, барча ўқув муассасалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз хиссасини қўшди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан туман ҳудудида катта ободонлаштириш юмушлари бажарилиди. Жумладан, 510 минг погон метр ариқ-зовурлар тозаланди, 2700 дан ортиқ дарахтлар оқланди, буталаб, шакл берилди, 24700 гектарга яқин қаровсиз ҳолдаги майдонлар тозаланди, 54 тонна йиғилган чиқиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди, 17 минг туп гул кўчатлари ўтказилиб, туманинг энг сўлим масканлар қаторидан ўрин олишига хисса қўшилди.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: Умумхалқ ҳашарида Яккасарой туманида истиқомат қилувчи 3,5 минг аҳоли ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Шу куни ҳашарда маҳаллаларнинг ёш қариси фаол иштирок этиб, тумандаги 119 гектар майдонни ободонлаштириб, чиқиндилардан тозаладилар. 14 мингга яқин дарахтлар оқланди, 15 километр ариқлар чиқиндилардан тозаланди. Шунингдек, кўча ва ҳовлиларга 13 минг туп турли хил анвойи гул кўчатлари ўтказилди. Туман аҳолиси ҳар бир кўча ва ҳовлиларини гулу гулзорларга айлантириб, байрамни шодёнлик билан ўтказиш ниятидалик.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: Туман аҳолиси азалий қадриятларимиздан саналмиш умумхалқ хайрия ҳашарида бажонидил иштирок этдилар. 2500 дан кўпроқ турли корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ишчи ходимлари ўз ҳудудлари, кўча ва йўлларни саранжом-саришта қилиб тозаладилар, 15 километр йўл асфальтланди, 5 гектар ер чиқиндилардан тозаланди, 35 мингга дарахтга шакл берилиб, тартибга келтирилди, 28 тонна чиқинди шаҳар ташқарисига олиб кетиб ташланди. Келгусида туманинг янада чирой очилиши йўлида 11500 туп турли хил гуллар ўтказилди.

СУРАТЛАРДА: шаҳримиз ҳудудида умумхалқ ҳашари ана шундай ақдрилиб ва уюшқоқлик билан ўтди.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Маълум

ЭЛЕКТРОН ЛУФАТЛАР

Бугунги кунда таълимий жараёнларда электрон ўқув адабиётларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли ҳам бу хил дарсликларни яратишда эътибор янада кучайтирилди.

Ўқув адабиётларини яратишнинг бир изиқболли йўналишига Мирзо Улугбек номидаги истеъдодларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракат давомида дастлабки электрон нашрлар юзага келди.

Академик лицей, касб-хунар коллежлари учун ёзилган ўқув адабиётларининг электрон намуналари устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда жамғармининг ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча лугатларининг электрон нусхаларини рўёбга чиқариш борасидаги илаланишини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиздир. Шу тарика ана шу лугат китоблари ўзининг электрон наشري янглиғ толиби илларга катта қулайлик туғдиради.

УНИВЕРСИТЕТДА ИНСТИТУТ

Бугунги кунда мамлакатимизда бир неча йирик ГЭСлар ишлаб турибди. Ана шу нурхоналарни, республикамиздаги иссиқлик электростанцияларини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш йўлида «Ўзбек энерго» Давлат ҳиссдорлик компанияси томонидан қатор маърифий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш бўйича соҳавий дастур тайёрлашни ҳам айна мудида бўлди. Мазкур дастур доирасида алоҳида энергия институти очилди. Тошкент давлат Техника университети ҳузурда иш бошлаган ушбу институтда янги ўқув йилида кўпгина талабалар ўқишади.

Айни вақтда компания корхоналарида институт кафедралари шохобчалари очилди. Нурчилар билим ва малакаларини ошириш мақсадида мутахассислардан бир неча нафари четга ўқишга юборилади.

ХОРИЖЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун чет тили дарсликларини яратишда ва чоп этиш борасида хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Инглиз тили ўқув адабиётларининг юзага келишида ҳам бундай алоқалар кўл келмоқда.

Буюк Британиянинг Оксфорд университети нашриёти томонидан босиб чиқарилаётган дарсликлар ўз ношрлик техникаси ва дизайн бегази билан ажралиб турибди. Ўзбекистон мактабларининг 9-синфлари учун махсус яратилган инглиз тили дарслиги ҳам ўқувчилар билимини оширишда асосий адабиёт сифатида хизмат қилмоқда.

Келгуси ўқув йилида инглиз тили таълими 10-11-синфларда ҳам давом эттирилиши муносабати билан янги ўқув дастурлари ҳамда ўқув қўлланмалари устида иш олиб борилмоқда. Ана шу адабиётларни чоп этишда университет нашриёти ўз амалий ёрдами аямайди.

Акбар АЛИЕВ

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. «Истиқлол», «Мустақиллик» сўзларини бош ҳарфлар билан ёзадиган, баланд овозлар билан айтадиган, жар соладиغان замон келди. Халқимизнинг асрий орусиси, армони ушалди. Ҳақ-ҳуқуқини таниди, тили, дини, эътиқоди, имони ўзига қайтиб келди. Дунё бизни таниди, биз эса дунёни англадик.

Жаҳонда оламшумул аҳамиятга молик бўлган «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали, Халқаро симфоник мусиқа фестивалларини Тошкентда ўтказиш яхши анъанага айланди.

Хусусан, Мустақиллик йилларида машҳур хонандаларимиз — Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Муяссар Раззоқова, Кўркмас Мухитдинов, Фаруҳ Зокиров, созандалар — Офелия Юсупова, Улугбек Полвонов, Алишер Султонов, дирижёрлар — Дилбар Абдурахмонова, Фани Тўлаганов, Қувонч Усмонов, Виктор Медляновлар билан ҳамкорликда ишлаганимдан, атоқли адиб ва санъаткорлар — Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Хуршид Даврон, Мирпўлат Мирзо, Сирожиддин Саййид, Турсунали Қўзиев, Рўзи Чориевлар билан мунтазам ижодий мулоқотларда бўлганимдан бағоят бахтиёрман.

Сўнгги 6-7 йил давомида даярли ҳар бир республика ва халқаро микёсда ўтказилган мусиқий-маданий тадбирда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг иштироки

фаол бўлмоқда. Миллий байрам айёмларини тантанали нишонлаганда, улуг аждодларимизнинг муборак саналарини қутлаганимизда, Халқаро мусиқий фестивалларини ташкил қилганимизда, уларни бизнинг бастакорларимиз яратган мусиқасиз тасаввур қилишимиз қийин.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси фаолиятига қатор янгилар кириб келди. Машҳур бастакоримиз Толлиб-жон Содиков номида Халқаро

Уюшмаимизда сўнгги пайтларда катта эҳтиёжга айланган эстрада мусиқа санъатининг ривожига алоҳида ургу берилётганлиги бежиз эмас. Уюшмаимиз қошида ташкил этилган шўбалардан бири эстрада санъаткорларини бирлаштириб, бу борада самарали ишланишлар олиб борилмоқда.


Сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан хорижий мамла-

мидаги Тошкент давлат мусиқа коллежи ва бошқа бир қатор ўқув юртлари билан ўрнатилган ижодий ҳамкорлигимиз яхши самаралар бермоқда. Умуман олганда, Мустақиллик даврида барча рўй бақилан воқеалар ёшларнинг тарбияси, юксак маънавий-маърифий камолотида муҳим ўрин эгаллаб, янги истеъдодларни рўёбга чиқаришга хизмат қилапти.

2. Хар бир инсон яхшилиқ учун туғилади ва бир умр умид билан яшайди. Шу боисдан ҳам хар бир тонг келтирган нури хабардан қувонаман. Она юртим келажакга, халқим истиқболга ишонаман. Ахир, келажак буюк ва порлоқ элу юртдан, жамиятдан ажралиб алоҳида яшаб бўлмайди?

Ўзбекистон Марказий Осиё, қолаверса Шарқ минтақаси микёсида қадимий ва замонавий юксак маданият ўчоғига айланганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳозирда юзлаб истеъдодли ёш мусиқачиларимиз жаҳон сахналарини забт этмоқдалар. Бу эса келажакка ишонч билан қарашга, муҳими — унинг тараккиёти учун астойдил меҳнат қилишимизга чорлайди. Зотан, муҳтарам Президентимиз ўлжада уқтирганларидек, XXI аср интеллектуал, баркамол авлод асри бўлиб қолади.

Ўзбекистон деб аталган гўзал, бетакор юртининг куйчиси бўлиш, уни юракдан севиб ардоқлаш — буюк шараф, улкан саодатдир. Бунёдкор халқимиз, муазам Ватанимиз, бебаҳо замонамизга манзур бўладиган, хар томонлама тўлқонли, тарихий ҳамда замонавий, гоявий ва бадий юксак асарлар яратиш — хар бир ижодкорнинг виждон бурчидир!



«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси расми, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам АБДУЛЛАЕВ жавоб беради.

хайрия мусиқа жамғармаси фаолият кўрсата бошлади, «Соз» мусиқа маркази очилиб, унга истеъдодли мутахассислар жалб этилди. Уюшмаимиз қошида «Ёш ижодкорлар» шўъбаси ташкил этилди. Бир гуруҳ иқтидорли ёш ижодкорлар уюшма сафига қабул қилинди. Таниқли опера хонандаси Назира Аҳмедова номида Республика ёш аёл хонандаларининг танловини ўтказиш анъанага айланди. Санъатимизнинг навқирон чўлари иштирокида «Ёш бастакорлар», «Ёш мусиқашунос» танловлари, «XXI-аср мусиқаси», «Янги номлар» фестивалларининг уюштирилиши ҳаётимизда сезиларли из қолдирди.

катлар билан маданий алоқалар доираси янада кенгайди. Буюк Британия, Франция, Польша, Болгария, Туркия, Россия, Украина элчионалари ва Маданият марказлари билан биргаликда ўтказилган ижодий тадбирлар республикамизнинг маданий ҳаётини мазмунан ва шаклан бойитишга ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ёш авлодни атоқли санъаткорлар ижоди билан янгидан танишишга, уларнинг ўлмас меросидан баҳраманд бўлиш ишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Бу борада Ўзбекистон Давлат консерваторияси, В. Успенский номидаги махсус мусиқа лицейи, Ҳамза но-

Пойтахтдаги Гафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Гафур Ғулом ижодида табиат ва инсон» мавзуда адабий-мусиқий анжуман ўтказилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, фан арбоблари иштирок этди.

Она Ватан ва табиат куйчиси

Анжуман иштирокчилари даставвал ўзбек адабиётининг ёрқин намоёнаси академик, шоир Гафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Тадбирда сўзга чиққан ёзувчи ва шоирлар адибнинг ҳаёти ва ижодидан хотиралар, унинг ижодида табиат ва инсон мавзуси ҳақидаги фикрлар ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

— Гафур Ғулом ўз ижодида Ватан ва табиатни бир-бири билан уйғунликда ва ҳамоҳангликда тараннум қилади, — деди олим Наим Каримов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унинг «Тошкент», «Бог», «Бари сеники», «Чаман», «Анор», «Баҳор оҳанглари», «Гулхона», «Ҳамма ерлар сен гўзал» каби шеърларида она ватаннинг бетакор гўзаллиги, унинг бог-роғларно, осмонпўпар тоғлари, дарё, булоқлари, экинзор майдонларининг таровати ўзгача бир муҳаббат билан тараннум эттирилди.

Н. Каримовнинг таъкидлашича, инсонни улуглаш, вақт қадрли, келажакка умид билан қараш каби инсоний фазилатлар шоирнинг «Сен етим эмасан», «Вақт», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» каби шеърларида, «Кўкан» поэмасида маҳорат билан акс эттирилган. Жаҳонда мамлакатларнинг кўплиги, лекин унда Ўзбекистондек жаннатмакон юртининг яққаю яғоналигини шу ватаннинг забардаст ўғлон томонидан меҳр билан куйланди.

Тадбирда адибнинг ижодий асарлари ва Гафур Ғулом номидаги нашриёт томонидан чоп этилган китоблар савдо кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ҳамда ёшлар иштирокида концерт берилди.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Бош прокуратурасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрни ва моҳияти» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжумани Республика Бош прокурорининг ўринбосари А. Холмаҳматов олиб борди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Олий Мажлис, Конституциявий суд, Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Бош прокуратура ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг масъул ходимлари, қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурортергов малакасини ошириш марказ профессор-ўқитувчилари, Тошкент шаҳрининг туман прокурорлари, ҳуқуқшунос олимлар қатнашдилар.

Анжуманда таъкидландики, мамлакатимиз раҳбарияти миллий прокуратуранинг шакллантириш масаласи алоҳида эътибор бериб, биринчи йилларда махсус қарор қабул қилган. Шу қарорга таяниб Республикада миллий прокуратура мустақил равишда фаолият юрита бошлаб, 1992 йил 9 декабрь куни «Прокуратура тўғрисида» Қонун ҳам қабул қилинди ва бу билан прокуратура органлари шаклланиб, фаолият кўрсатиш учун ҳуқуқий негиз яратилди.

Кейинчалик 2001 йилнинг 29 августда «Прокуратура тўғрисида» Қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва бу орган олдида турган вазифалар ҳамда прокуратуранинг ваколатларига аниқлик киритилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига кенг ургу берилди ҳамда унинг асосий вазифалари этиб қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқиланган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш белгиланди.

Ушбу вазифаларни прокуратура, миллий орган сифатида, ўз зиммасига олди ва адо этмоқда.

Мазкур анжуманда прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда тутган ўрни ва аҳамияти ҳусусида фикр юритилди.

Анжуман қатнашчилари мавзу бўйича тегишли тавсияларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Қамолот" Ўшар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" ажасий доирасида
"Озода шаҳар"
бадбирлиги ўтказилди.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-ахлатлардан тозаланг!

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали эфирга чиқиш имкониятига эга бўласиз.

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Бизнинг Тошкент-озода шаҳар!

Севимли ШАҲРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Қамолот" Ўшар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" ажасий доирасида
"Пойтахт-Бизнинг вигоҳамизда"
ахлатларни олиб борилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:

Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;
Истиқлол нашидалари.

Фотосуратларни Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14 манзилга юборинг.

Ҳар бир иштирокчида 4-тадан кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркуми) асар қабул қилинади, туркуми ҳан бир асардек қўрилади.

Энг яхши фотосуратлар кўп.найтбаҳо сов-налар ва дашонлар билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Севимли ШАҲРИМ

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллигини нишонлаш арафасида. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида тарихий аҳамиятга эга бўлган вазибаларни ҳал қилишда жонқурав бўлаётган республикамиз раҳбарияти мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ҳам катта ислохотлар олиб бормоқда.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги республикамизнинг энг муҳим стратегик йўналиши сон жиҳатдан кичик, уюшган, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, замон талабларига жавоб бера оладиган, яхши ўқитиб-ўргатилган, мамлакатимиз чегараларини ва ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қила оладиган Қуролли Кучларни ташкил қилишдан иборатдир.

Бундай кенг қўламли вазифани ҳал қилишнинг аниқ йўналишлари, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизмат тизимини тубдан янгилаш борасидаги энг муҳим йўналишларни Республика Президент — Қуролли Кучлар бош қўмондон Ислам Каримов Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида белгилаб бердилар.

Бу — ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимояси оубрасини ошириш;

армияни илгор хорижий давлатлар тажрибаси асосида шартнома бўйича қуриш;

ҳарбий ўқувдан ўтган шахсий таркибни тайёрлаш;

муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддатларини қисқартириш, ҳарбий хизматга қақирувнинг очик — ойдинлигини таъминлаш ва қақирув комиссияларининг ишини тақомиллаштириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларда ноҳолисликка йўл қўймас-

лик ҳамда уларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш демақдир.

Ушбу вазибалар Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX, X ва XI сессияларида, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги ҳизмат» тўғрисидаги қонунларда, ҳамда ушбу қонунлар асосидаги Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларида ўзининг амалий ечимини топди. Ихчам, замонавий қурол ва техника билан жиҳозланган армия, ҳаракатчан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, етарлича таъминланган ҳарбий бўлинмаларни шакллантириш учун ҳуқуқий асос яратилди. Қўшинларимизнинг ташкилий ходимлар тузилмаси қайта кўриб чиқилди. Унга биноан шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар сонини сезиларли даражада оширилди, муддатли ҳарбий хизмат ўтаётганларнинг сонини эса қисқартирилди. Шу билан бирга армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қуролантириш, қўшилмалар ва қисмларнинг жанговар тайёрларлигини тақомиллаштиришга оид устувор вазибалар белгиланди ва амалга оширилмоқда.

Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислохотларда барча нарса, барча вазибалар, ҳатто бугунги кунда долларб саналган иқтисодий омил ҳам кўзда тутилган. Армиямизда бўлаётган ўзгаришларнинг жамиятда ўз ўрнини топаётгани унга

нисбатан халқимизнинг муносабати ўзгараётганидан ҳам аён.

Мана икки йилдики мамлакатимизнинг тўртта сержантлар тайёрлаш мактабларида армиямиз учун зарур бўлган

вофиқ муддатли ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди, янги хизмат тури — сафарбарлик қақирув резерви асос солинди. 2003 йил — баҳорги қақирув кампанияси ушбу қонун-

лар пайдо бўлганида уларни ҳал қилувчи овозга эга бўлган муқобил комиссиялар тузилди. Қақирувнинг бориши оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб борилди. Булар ўз навбатида фуқароларнинг армияга бўлган муносабатларини тубдан ўзгаришига олиб келди.

Биринчи бор Қуролли Кучлар сафига қақирувчилар танлов асосида — тест шаклидаги синов асосида олинди.

Танловнинг асосий мезонлари — саломатлик, билим, интеллектуал даража, ижтимоий ҳолат, жисмоний тайёргарлик даражаси ва барқарор руҳий ҳолатдан иборат бўлди. Бунинг натижасида Қуролли Кучлар сафидаги йигитларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Мисол учун Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий хизматга юборилганлардан 11,6 фоизи олий маълумотли, 78 фоизи ўрта ва ўрта махсус билим юрларини ва фақат 10,4 фоизи 9-синф ҳажмидаги билимга эга бўлганлар, 4,2 фоизи — спорт усталари ёки спорт усталигига номзодларни ташкил этди.

Бу йилги қақирувнинг яна бир хусусияти — ёшларни сафарбарлик қақирув резервидаги хизматга жалб этиш бўлди. Сафарбарлик қақирув резерви хизматига —муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақиривш муддатини кечиктириш ва қақиривдан овоз этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга қақирилмаган шахслар қақирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш» тўғрисидаги қарорига асосан од-

дий аскарлар ва сержантларнинг лавозим маошлари шу йилнинг 1 июлидан бошлаб икки баравага, ҳарбий хизматдан бўшаганда бериладиган нафақа миқдори 20 баравага оширилди. 1 июндан бошлаб сафарбарлик қақирув резервининг дастлабки йигини бошланди. Йигинга қақирилган йигитларимиз бир ойлик муддат ичида замонавий қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар сир-асдорларини билиб олишди.

Сабр-бардошлик бўлишни, бошлиқлар кўрсатмаларини бажаришни, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишни ўрганишди. Ҳарбий йигин сўнггида Ватанга, Президентга содиқлиги тўғрисида қасамд қабул қилади ва уларга тантанали равишда ҳарбий гувоҳномалар берилди.

Сарҳалларимиз дахлсизлигини таъминлаётган алпкелбат, шерорак йигитлар ҳақида қанча гапирсак шунча кам. Негаки миллат посбони бўлишдек шаарафли касбни ҳар ким ҳам удалай олмайди. Қалбида она заминга, муқаддас туپроққа салоқат ҳисси жўш урган ўзбек ўғлонлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар борки осмонимиз мусаффо, турмушимиз тинч, осуда.

Юртимизнинг ҳар бир ўғлонига болаликдан Ватан ҳимоясида бўлиш муқаддас бурч эканини, бундай хизматга қақирилишнинг ўзи бир бахт эканини сингдириб бориш лозим. Мустақил давлатимиз Қуролли Кучларида жисмонан бақувват, ақдан теран, маънавий томондан тайёрланган, соғлом ва баркамол йигитлар хизмат қилмоғи лозим. Зотан, она Ватан ҳимояси ҳар бир йигитнинг шон-шарафи иши, виждоний бурчдир.

Ватанга хизмат — муқаддас бурч



ПРОФЕССИОНАЛ АРМИЯ ШАКЛЛАНМОҚДА

Бахтиёр МАХМУДОВ, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазибаларни бажарувчи, подполковник:



профессионаллар тайёрланмоқда.

Юртбошимиз Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузаларида армияда хизмат қилиш нуфузли бир ишга айланиши, унга муносиб ёшларни танлаб олиш лозимлиги тўғрисида тўхталгандилар. Олий Мажлисининг X сессиясида янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга му-

га қатъий амал қилган ҳолда ўтди ва бундан кейинги қақирувларда ҳам шундай бўлади.

Баҳорги қақирувнинг асосий ютуқларидан бири унинг очик ва ошкора тарзда ўтказилганлиги бўлди. Қақирув комиссиялари таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди ва уларнинг раислари қилиб, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари тайинланди. Баҳсли маса-

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ
ДОМО БУЛУР...

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси Ватанни севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчама олмайди.

● Ҳаётининг Ватанга қанчалар яқин ҳис қилсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қилсан.

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанга меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтир ҳис... Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда билиш, уни яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.

● Ватан нима демак? Бу — ўзининг тарихий ҳаракатини мазкур майдонда камолга етказадиган бус-бутун халқдир. Бу — халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажағидир. Бу — унинг ранг-баранг маданияти, тили, характери. Бу — у томондан амалга оширилган инқилобий мақсад, тарихий ўзгаришлар ва унинг тарихидаги муҳим босқичлардир.

● Биз ўз Ватанимизни сева-миз, бу биз нафас олаётган ҳаводир.

● Ёқимли, нурафшон Ватан! Бизнинг мислсиз фарзандлик муҳаббатимиз сенга, бизнинг барча оруз-ўйларимиз сен билан. Хусайн воиз Кошифий айтди:

— Ватан шарафи учун ғайрат билан ишга киришган киши машаққат тортишдан қўрқмасин. Агар ғайрати соясида мақсади ҳосил бўлса, демак у муродига етибди, мабодо иши етарли даражада бўлмай, кейинга қўлиб кетса оқиллар қошида у киши узрлидир. Ватанга хизмат қилишдек улуг мақсад йўлида химмати баланд бўлган киши халқ кўнглида сақланади.

Байт:

**Ватанга нафи йўқ
яшалган ҳар кун,
Инсон ҳаётида қолур
бемазмун.**

● Ўз Ватаниннинг фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигини теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар.

● Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанин севмоқ бу муқаддас бурчдир.

● Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиغان инсондир, халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

● Бир донишманд айтди: ватанпарварлик тантанавор иборатлар ва умумий гаплардан иборат эмас, балки у Ватанга қизгин муҳаббат ҳисси билан ортиқча дабдабаларсиз ўз фикрини билиш, фақат эзгуликдан ҳайратланмай, балки муқаррар, ҳар ерда, ҳар қандай Ватанда ҳам бўладиган ёвузликни жинидан баттар ёмон кўриш демакдир.

● Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.

● Ватанпарвар — Ватанга хизмат қилаётган кишидир. Ватан эса у авваламбор халқдир.

● Ватандан ташқарида бахт йўқ, ҳар ким жонажон ерида ил-диз отсин.

Ватан таркини бир

**нафас айлама,
Яна ранжи гурбат — ҳавас
айлама.**

Энг сара
асарлар альбоми

Ўзбекистон Бадий академияси, Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, К.Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти томонидан мустақилликнинг ўн икки йиллигига атаб, «Ўзбекистон замонавий санъати» альбоми тайёрланмоқда. Унда мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий ва халқ амалий санъати усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланган.

— Ўзбекистоннинг замонавий санъати тўпламидан ўзбекистонлик 250 нафардан ортиқ тасвирий ва халқ амалий санъати намояндаларининг истиқлол йилларида яратган энг яхши асарлари жой олади, — деди Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Кўзиев. — 300 саҳифага яқин альбомнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда барча вилоятлардаги кўплаб йўналишлардаги ижодкорларнинг асарлари берилди. Бу нафақат рассомларнинг истиқлол давридаги ишларининг сарҳисоби, балки маданият ва санъат ихлосмандлари, мутахассислар учун бетакрор манба бўлади.

Т. Кўзиевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда барча соҳаларда, жумладан тасвирий ва халқ амалий санъати соҳасида ҳам ижодий ўзгаришлар юз берди. Миллий анъаналар, улуг аждодлар меросини ўрганиш тобора кучаймоқда. Нашр этишга тайёрланаётган альбомда ҳам мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўзбекистонни замонавий санъати» тўпламини ўзбек тасвирий ва халқ амалий санъатининг гулдастаси десак, муболага бўлмайди.

«Туркистон-пресс»

Оромгоҳнинг ёш санъаткорлари «Пахтакор-79» жамоасининг хотираси қалбда эканлиги, уларнинг эзгу ишлари беқийс эканлигини ифода этувчи театрлаштирилган маданий дастурни намойиш этганларида барчанинг кўзида ёшлар қалқиди. Сўнгра ҳамма тик туриб, авиаҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмган 17 нафар пахтакорчини чуқур ҳурмат билан ёдга олдилар. Азиз меҳмонлар — пахтакорчиларнинг умр йўлдошлари Светлана Федорова, Лиля Собирова, Алла Тазетдинова ва Р. Агишевнинг синглиси Рашида Агишеввалар ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинди.

Шунингдек, машҳур волейболчилар, икки маротаба олимпиада чемпиони Вера Дуюнова, олимпиада ғолибаси Лариса Павлова ҳамда металлургия ва машинасозлик саноати, тармоқ республика, шаҳар касаба уюшмалари, касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия-спорт жамияти раҳбарлари, масъул ходимлар мазкур талбирда фаол қатнашиб, ташкилотчилар ҳамда иштирокчиларга энг самимий тилакларини билдириб, эсдалик совгаларини «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳига топширдилар.

Спорти бежизга тинчлик элчиси деб айтмайдилар. Турнирда шаҳар корхоналарининг футболчилари билан биргаликда АҚШ, Исроил давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимларидан иборат футбол жамоаларининг завқшавқ билан иштирок этиб, астойдил тўп сураётганлиги мазкур беллашувга файз бағишлаб, унинг обрў-эътиборини янада юқори бўлишига хизмат қилди.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси футбол жамоаси аъзолари икки йилдан буюн бу турнирда қатнашаётганлиқларини, ушбу мусобақалар хайрли анъанага айланганлигини, спортнинг

• ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Хайрли анъана
давом этади

Бўстонлик туманининг сўлим гўшаларидан бири — Чимён худудида жойлашган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Пахтакор-79» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган IV халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди.

Инсон ҳаётидаги муҳим ролни таъкидлаб, болалар спортини ривожлантириш, уларнинг соғлом, бақувват бўлиб вояга етишига хизмат

Болаларга кўрсатилган эътибор улук қалбидан чуқур ўрин эгаллаб, ёрқин хотирага айланиши шубҳасиздир. Майдонга тушган жамоа-



қилишини, болаларнинг спортда меҳр қўйишида муҳим омил эканлигини таъкидлаб, ушбу оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 22, 23-мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёш болаларига аjoyиб совгалар, футболчиларнинг спорт формаларини тақдим этди. Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларидан иборат бўлган футбол жамоаси аъзолари ҳам сўзга чиқиб, дўстликни мустақамлаш, спортнинг оммавийлигини оширишда ушбу турнирнинг аҳамияти катта эканлигини уқтириб ўтиб, оромгоҳда дам олаётган 22-мехрибонлик уйининг ёш футбол жамоасига футболчиларнинг либосларини ҳадя қилдилар.

«Пахтакор-79» командасининг барчани ўзига ром этувчи шиддаткор, тезкор, ҳужумкор ўйинларини эсла-тувчи хатти-ҳаракатларни намойиш этилди. Айниқса, «Пахтакор» фахрийлар жамоаси — «Алгоритм» командаси учрашуви гоят қизиқарли, мурасасиз, баҳсларга бой бўлиб, таниқли футболчи Низом Нортोजиев чапдастлик билан чиройли ўйин кўрсатди. Пахтакорчилар 4:3 ҳисобида дастлабки ғалабага эришган бўлсаларда кураш олдида эканлиги барчага маълум эди.

АҚШ элчихонаси футбол жамоаси турнирнинг ўтган йилги ғолиби «Ўзбеккабель» акциядорлик жамоаси «Спектр» қўшма корхонаси футболчилари

устидан 4:2 ҳисобида зафар қозondi.

Хотира турнири ҳақида «Пахтакор-79» футбол жамоасининг мураббийи И. Тазетдиновнинг умр йўлдоши А. Тазетдинова шундай дейди: «Бу жуда ҳам хайрли, эзгу ният-ли талбир бўлиб, аjoyиб анъанага айланиб бормоқда. Унинг тарбиявий аҳамияти беқийсдир. Болалар киши қадрига етмасдан, инсон хотирасини эъзозламасдан, спорт тарихини билмасдан туриб қомил инсон, етук спортчи бўлиб етишмайди».

Санъат билан спорт ўзаро ҳамоҳангдир. Улар эзгуликка хизмат қилади. Ўйинлар оралиғидаги танлафус вақтида болалар севган «Алоуддин» шоу-гурӯҳи ёқимли кўшиқлари ҳамда чиройли рақслари билан барчани ҳушнуд этиб, маданий дам олишларида қўмакчи бўлдилар.

Ниҳоятда қизиқарли, кескин спорт баҳсига айланган мусобақа якунига етди. Саккизта жамоа иштирокидаги беллашуларда «Ўзбеккабель» ДАЖнинг «Спектр» қўшма корхонаси футболчилари иккинчи маротаба «Пахтакор-79» хотира турнирининг ғолиби бўлдилар. «Пахтакор» фахрийлари жамоаси иккинчи, «Тўқимачи» фахрийлар командаси учинчи, «Ўзнефтгаз» миллий холдинг компанияси футболчилари эса тўртинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Мусобақа якунлангач мазмуни, чиройли маданий дастур намойиш этилди. Ғолиб ҳамда совриндорларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, республика, шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси, «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти ва ҳомийларнинг совгалари тантанали тарзда топширилди.

«Спектр» қўшма корхонаси жамоаси футболчилари бу йил ҳам турнирнинг кўчма куботи соҳиби бўлдилар.

Улуғбек ПУЛАТОВ

• САНЪАТ

Таниқли композитор Георгий Мушель ўзининг Ўзбекистонда самарали кечган ижодий фаолияти давомида аjoyиб мусиқалар яратди. Унинг мусиқали саҳна асарлари, фортепьяно этюдлари концерт дастурларидан ўрин олган.

Расмлар мусиқаси жозибаси

Композитор рассомчилик санъатида ҳам ўз иқтидорини намойиш қила олди. Унинг мўйқалами орқали юзага келган пейзаж ва картиналар кўпчилик муҳлисларга яхши маълум. Бу каби ранго-ранг расмлар 150 тадан ортири.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маданий алоқалар жамияти сый-ҳаракати туфайли ана шу картиналар асосида кўرғазма ташкил этилди. «Ранглар мусиқаси жозибаси» деб номланган бу экспозиция кўчма кўрғазма янглиғ республикамизнинг ялҳарларида намойиш қилинаётган.



Спорт

Тайёргарлик машқларини ўтказишмоқда

Спортнинг милтиқдан ўқ отиш тури бўйича август ойида Малайзияда Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Аммо, айрим сабабларга кўра ушбу нуфузли мусобақа келгуси йили ўтказилмади бўлди. Шуниси қизиқи, Осиё биринчилигида муваффақият қозонишни ният қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари айти кўларда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида тайёргарлик машқларини ўтказишмоқда. Эслатиб ўтамиз, агар вакилларимиз ушбу мусобақа гоилигини кўлга киритишса 2004 йилда Грециянинг поятахи Афинада ўтадиган олимпиада бахсларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритадилар.

Оғир

атлетикачиларимиз Индонезияда

Индонезияда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бошланди. Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этиш мақсадида иқтидорли мураббий Шаҳрулло Маҳмудов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Индонезияга жўнаб кетишди. Қўтга биринчилиги бахсларида Ватанимиз шарафини Руслан Макаров, Маҳмуд Тоғаев, Ботир Усмонов, Саломат Нуруллаев, Фурқат Саидов, Вячеслав Тен, Шохруҳ Алиқўжаевлар ҳимоя қилишмоқда. Дарвоқе Осиё чемпионати бошланмасидан аввал Индонезиянинг Бали шаҳрида Осиё оғир атлетика федерациясининг навбатдаги конгресс йиғилиши бўлиб ўтди. Қувонарли жиҳати, ушбу анжуманда Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг вице президентлари Рашид Маткаримов ҳамда Валерий Карапетянчилар иштирок этиб, Рашид Маткаримов Осиё оғир атлетика федерациясининг илмий кенгаш аъзоси сифатида нутқ сўзлади.

Маҳоратларини намойиш этишади

Айни кўнларда велоспорт бўйича мамлакат биринчилиги гоилиблари поятахлик Филипп Яковенко, Владимир Тўйчиев ҳамда поятах вилотиядидан Руслан Каримов, Альбина Китаевалар Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Андрей Анеяк раҳбарлигида Жанубий Кореяда ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Ушбу турнир ҳамюртларимизга омад келтиради, дея умид қилишга тўла асос бор. Чунки велоспортчиларимиздан поятахлик Владимир Тўйчиев Осиё биринчилиги совриндори бўлса, Тошкент вилотия вакили Альбина Китаева Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритган.

Ақбар Йўлдошев

Футбол

«ПАХТАКОР» — Ўзбекистон Кубоги соҳиби!

Кубок мусобақалари ҳар бир мамлакатда катта нуфузга эга турнир ҳисобланади. Жумладан, бизнинг юртимизда ҳам ҳар йили биллур соврин учун мусобақалар жуда қизиқарли, кескин ва муросасиз беллашувларга бой тарзда ўтади.

Ўзбекистон Кубоги турнири тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган давр ичида ўн бор шундай мусобақалар ташкил этилган бўлиб, юртимизнинг бош жамоаси — «Пахтакор» беш марта унинг финалида иштирок этиш ҳуқуқига мушарраф бўлганлигини кўрамиз. Ва бешта уйиннинг тўрттасини ғалаба билан яқунлаган ҳамшаҳарларимиз тўрт бор биллур соврин соҳиблари бўлишган. Қизиғи шундаки, кейинги уч йил қаторасига жамоамиз финалга йўлланма олмақда. Кубок уйинларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир ютказган жамоа турнирни тарк этиши туфайли учрашувлар ниҳоятда кескин ва шиддатли кечади.

Ўтган жума кўни «Пахтакор» марказий стадионидида «Пахтакор» ва Қаршининг «Насаф» жамоалари ўртасида шу йилги Кубокнинг финал беллашуви олдида ҳаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Ҳал қилувчи беллашувга «Пахтакор» жамоаси куйидаги таркибда тушди: Игтаний Нестеров, Гочули Гочулиев, Асрор Алиқулов, Ярослав Крушельницкий, Камолитдин Тоҳиев, Владислав Кириян, Ти-

мур Қападзе, Леонид Кошелев, Сервер Жепаров, Анвар Солиев, Зайниддин Тоҳиев.

Кутилганидек, кўп сонли ишқибозларнинг қўллаб-қувватлашлари остида беллашув «Пахтакор»нинг ҳужумлари билан бошланди. Хавфли ҳужумларнинг бири муваффақиятли яқунланиб, бурчакдан чиқарилган тўпни пахтакорчи Сервер Жепаров боши билан дарвозага йўллаган ҳолда ҳисобни очди. Голдан сўнг Сервернинг майдонда фақат ўзига хос тарзда кулбит қилган ҳолда ўз қувончини изҳор қилиши жамоадешларининг ҳам кайфиятини кўтариб юборди.

Майдонда рақиблар дарвозасига доимий хавф солиб турган «Пахтакор»нинг етакчи уйинчиларидан бири Леонид Кошелевнинг чап қанотдан туриб чамаси 22 метрлардан берган аниқ ва кучли зарбаси «Пахтакор»нинг 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишига имкон яратди. Ана шундан кейин «Насаф» футболчилари ҳам бирин-кетин хавфли ҳужумлар уюштира бошлашди. Натижада ҳимоячилар хатосидан фойдаланган Дилшод Мавлонов ҳисобидида фарқи кискартиришга муваффақ бўлди. Биринчи тайм шу ҳисобда ўз поёнига етди.

Иккинчи бўлимда «Пахта-



кор» таркибидида Миржалол Қосимов, Юрий Никитков ва Маррат Бикмаев каби уйинчиларнинг майдонга тушиши беллашувни янада қизитиб юборди. Лекин «Насаф» футболчилари ҳам бўш келишмади. Улар ҳисобни тенглаштириш учун бор маҳоратларини ишга солишди. Бироқ учрашув яқунланишига оз вақт қолганида Миржалол Қосимовнинг икки ҳимоячини алдаб ўтиб берган кучли зарбаси жуда қиройли гол билан яқунланди.

Шундай қилиб, ҳал қилувчи баҳсда 3:1 ҳисобидида ишончли ғалабага эришган пахтакорчилар бешинчи бор Ўзбекистон Кубогининг соҳиблари бўлишди.

Ҳар иккала жамоадан учрашувнинг энг яхши уйинчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: финал баҳсидан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Сермаҳсул натижалар

КЕЧА

Ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 18-тур беллашуваридида ишқибозлар мутахассислар кутмаган натижалар қайд этилди. Аввало, ушбу турда «Пахтакор» жамоаси «дам» олди. Олий лига жамоаларига «ноқулай» рақиб ҳисобланган «Трактор»нинг яна омади келмади. Ўз майдонидида «Навбахор» жамоаси билан куч синашган тошкентликлар 1:2 ҳисобидида яна имкониятни бой беришди.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди: «Андижон» — «Бухоро» 3:1, «Самарқанд — Динамо» — «Нефтчи» 2:3, «Гулистон» — «Қизилқум» 0:7, «Машъал» — «Металлург» 4:1, «Цементчи» — «Дўстлик» 4:1.

БУГУН

Ўтадиган «Кўкун-1912» — «Насаф» ўртасидида баҳс билан 18-тур ниҳоясига етади.

Навбатдаги 19-тур беллашувлари 23 август кўни бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Шахмат оламида

РУҲ — МАРДОНАВОР ТОШ

Америкалик таникли олим ва ёзувчи Айзек Азимов Италия газеталаридан бирига берган интервьюсида шахматни жудаям яхши кўришини, ўзининг бу борада яхшигина маҳоратга эга эканлигини таъкидлаб, фақатгина онда-сонда ҳаваскорлар ўртасидидаги мусобақаларда қатнашишини айтади. «Биринчидан, менинг бўш вақтим кам, — дея изоҳлайди у, — иккинчидан эса Юлий Цезарнинг узоқ вақт уйлаш киши ҳаракатиниҳага салбий таъсир кўрсатади, деган фикрига қўшилиман».

XVII асрнинг машҳур италян шахматчиси Жоакино Греко (1600-1634) шахмат тўғрисидаги рисоласида шундай ёзади: «Руҳ — мардонавор тош, ундан ҳимояда фойдаланиш ақлдан эмас, бу одобсизликдир».

Италиянинг «Гадзеттино» газетаси хабаറിга кўра, ўрта асрларда Венеция шахмат клубида ҳар бир ютказган рақиб мағлуб бўлганлиги учун ўн беш соьлда тўлаши шарт бўлган.


Анвар ИНОКОВ,

шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1) Оқлар бошлаб 15 юришда қораларни мот қилади.

2) Оқлар бошлаб, ютади.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзиллари: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-29-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 бося табоқ офсет усулида босялди. 4204 нусxada босялди. Қорға Биними А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Наприни етказиб берин масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига еки «Тошкент поятати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишини мўмкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоа ақшадорлик компаниясини босямоноси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.